

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 249 (10.554)

2005 йил 28 ДЕКАБРЬ



Кўли гул тикувчи-ларнинг касб-маҳорати, ишига меҳри тикаётган маҳсулотларининг сифатли, кўркам, рақобатбардош бўлишида муҳим ўрин тутди.

**СУРАТДА:** «Тонг» акциядорлик жамиятининг ёш, ғайратли тикувчиси Барно Аҳмедованинг корхона маҳсулотларининг харидориги бўлишида муносиб хиссаси бор.

Хакимжон Солиҳов олган сурат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2006 йил 2 январь душанба иш кунини 2005 йил 31 декабрь шанба кунига кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда меҳнат-кашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:  
2006 йил 2 январь душанба иш кунини 2005 йил 31 декабрь шанба кунига кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 27 декабрь

**XXI саҳоси**  
аср  
Барча малбалардан  
олинган сўнги хабарлар

### Мамлақатимизда

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

● Тошкентда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Қамолот» ЁИХ Марказий кенгаши билан ҳамкорлигида «Келажак овози» республика ёшлар кўрик-танлови ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

● Тошкентда нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари фаолиятига бағишлаб ўтказилган медиа форум «Замон билан ҳамнафас, халқ билан бирга» дея номланди.

● Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан уюштирилган семинар-кенгаш республика Президентининг тадбиркор ва ишбилармонлар манфаатини ҳуқуқий ҳимоя қилиш бора-сида қабул қилган Қарор ва Фармонлари ижросини таъминлашга бағишланди.

● Янги йил байрами арафасида Сурхондарё вилоятининг Қўҳтанг тоғи этакларида жойлашган қишлоқлар аҳолиси учун катта қулайлик яратилди — Шеробод-Оқтош йўлининг Гумдаҳна қисмида катта кўприк қурилиб, фойдаланишга топширилди.

### Жаҳонда

● Хиндистон Ташқи ишлар вазирлиги вакилининг билдиришича, келгуси йил январь ойидан бошлаб Хиндистон ва Покистон ўртасида тинчлик музокараларининг навбатдаги босқичи бошланади.

● Мисрда муҳолифат етакчиси, «Ал-Жад» партияси раҳбари Аймаз Нур Кохира судининг чиқарган ҳукмига кўра беш йилга озодликдан маҳрум этилди.

● «Озарбойжон ҳаво йўллари» авиакомпаниясига тегишли, 24 декабрда ҳалокатга учраган АН-140 йўловчи самолётининг «қора кутиси» топилиб, ўрганилмоқда. Таҳминларга кўра ушбу самолёт кўпорувчилик оқибатида портлаб кетган бўлиши ҳам мумкин.

● Шри-Ланка шимолида ҳукумат қучлари билан «Тамил илама» жангарилари ўртасида юзага келган қуроли тўқнашув оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING СОЛИҚ КОДЕКСИГА ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 1 декабрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2005 йил 3 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда; 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №5, 89-модда, №9-10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, №4-5, 74-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №5, 152-модда, №9, 310, 311, 312, 313-моддалар) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг 6-банди** чиқариб ташлансин;  
2) **7-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги** «савдо-сотик қилиш ҳуқуқи учун йиғим, шу жумладан айрим турлардаги товарларни сотиш ҳуқуқини берувчи лицензия йиғимлари» деган сўзлар «айрим турлардаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
3) **8-модданинг:**  
**бешинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Савдо ва умумий оқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бундан мустасно), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойлиқларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, обдонлаштириш ва инфратузилмининг ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар (мол-мулк солиғи, айрим турлардаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим, юридик шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим бундан мус-

тасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар. Ялпи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади»;

**ўнинчи қисмидаги** «экология солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**4) 19-модда биринчи қисмининг:**  
**иккинчи хатбошисидаги** «экология солиғи» деган сўзлар чиқариб ташлансин;  
**учинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг кредитлари учун фойз тўловлари суммалари, бундан банкларнинг ва бошқа молия-кредит ташкилотларининг инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирадиган инвестиция учун олган кредитлари бўйича фойзалар ҳамда тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фойзалар мустасно»;

**тўртинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**бешинчи — йигирманчи хатбошилар** тегишинча **тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

5) **27<sup>1</sup>-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«27<sup>1</sup>-модда. Зарарларни тақсимлаб ўтказиш**

Ушбу Кодексда назарда тутилган, чегирив ташланиши лозим бўлган харажатларнинг жами даромаддан ошиб кетиши зарар деб эътироф этилади.

Солиқ тўловчи қўрилган зарарларни зарар қўрилган ҳисобот йилидан кейинги беш йил муддат давомида тақсимлаб ўтказишнинг амалга оширишга ҳақлидир.

Ўтган ҳисобот йилида ёки ўтган ҳисобот йилларида ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган зарарга (зарарларга) эга бўлган даромад (фойда) солиғи тўловчилар жорий йилдаги солиқ солинадиган даромадини (фойдани) қўрилган зарарларнинг тўлиқ суммасига ёки ушбу сумманинг бир қисмига қайтаришга ҳақлидир.

Тақсимлаб ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир навбатдаги йилда ҳисобга олинмаган жами суммаси ушбу Кодексга мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган жорий йилдаги

солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Солиқ солинадиган база ўрни қопланиши керак бўлган зарар суммаси миқдорига фақат йил якунлари бўйича қайтарилиши мумкин.

Бирдан ортиқ календарь йилида қўрилган зарарлар улар қўрилган кетма-кетликда тақсимлаб ўтказилади.

Солиқ тўловчининг даромад (фойда) солиғидан озод қилинган даврдаги зарарлари кейинги даврларга тақсимлаб ўтказилиши мумкин эмас»;

**6) 30-модда жадвалининг биринчи хатбошисидаги** «15» рақами «10» рақами билан алмаштирилсин;

**7) 55-модда биринчи қисмининг жадвали** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

Жами даромад миқдори	Солиқ суммаси
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача	даромад суммасининг 13 фоизи
энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача	энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинмаган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 20 фоизи
энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан	энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан олинмаган солиқ + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 29 фоизи

**8) 72-модданинг:**  
**учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**тўртинчи — еттинчи хатбошилар** тегишинча **учинчи — олтинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**9) IX бўлим** чиқариб ташлансин.  
**2-модда.** Ушбу Қонун 2006 йил 1 январдан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти И.КАРИМОВ  
Тошкент шаҳри,  
2005 йил 27 декабрь

Жойларда уй-жой-коммунал хўжалик соҳасидаги мавжуд камчиликларни барта- раф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Ўзбекистон Респуб- бликаси Президентининг жорий йилнинг 10 февралдаги «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллашти- риш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги ҳамда шу йилнинг 11 февралда қабул қилинган «Ком- мунал хизматлар тар- ифларининг асосиз равишида ўсиб кетиши- га йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақ- тида ва тўлиқ ҳисоб- китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорла- ри дастуриламал бўлмоқда.

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида коммунал хизматлар учун истеъмолчиларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиш механизмини такомиллаштириш ва масъулиятини ошириш, коммунал тармоқ- лардан фойдаланиш, уларни техник жи- ҳатдан замонавийлаштиришга алоҳида аҳамият қаролатилмоқда. Ўзбекистон Рес- публикаси Президентининг «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини та- комиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ туманда ташкил этилган уй-жой мулкдорлари ширкатлари учун шир- катларнинг яқин кўмакчисига айланган. Мазкур тузилма УМШларнинг фаолияти- ни яхшилаш, уларнинг уй-жойлар ҳамда уйлар атрофидаги ҳудудларни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатда сақ- лаш борасида маҳаллий ҳокимият орган- лари ҳамда хизмат кўрсатувчи эксплуатация ва таъмирлаш ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда яқин-

дан ёрдам бермоқда. Тумандаги «Хумо юлдузи» уй-жой мулкдорлари ширкати дастлаб ўнла кўпқават- ли уйга хизмат кўрсатар эди. Президентимизнинг номи зикр этилган қарори қабул қилинган, ширкат самарадорлиги- ни ошириш мақсадида у ихчамлаштирил- ди: уйлар сони еттигата туширилиб, қайта

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизматлар тарифларининг асосиз равишида ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарорига уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ком- мунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатиш коммунал хизматлар, жумладан уй- жойларнинг эксплуатация харажатлари учун аҳолидан нақд пул маб- лағларини кассаларни четлаб мустақил йиғиш таққиланиши белгилан- ган. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида «Хумо юлдузи» УМШ маъмурияти жойлашган бинода «Ипотека банк» Сирғали филиалининг 27-сонли шох- бочаси ташкил этилди.

— Шохбўчамиз еттига уйда истиқомат қиладиган 580 хонадонга ҳамда ширкат маъмуриятига хизмат кўрсатади, — дейди «Ипотека банк» ходими Ф.Мусаева. — Бу ерда бир кунда аҳоли томонидан тўлан- ган қарийб бир миллион сўмга яқин ком- мунал тўловларни қабул қилиб оламиз. Бундай шохбўчалар аҳолига қулайлик туғдириш билан бир қаторда, нақд пул маблагларининг ноқонуний айланishiга йўл қўймайди. Бир сўз билан айтганда, уй-жой мулкдорлари ва ундан фойдаланувчиларнинг коммунал хизматлар ҳақини, уй-жойлардан фойдаланиш ва сақлаш харажатларини ўз вақтида тўлаш учун масъулият, шунингдек УМШ фао- лияти самарадорлигини оширишга қара- тилган бундай чора-тадбирлар ўз са- марасини бермоқда.

Норали ОЧИЛОВ,  
УЗА мухбири

*Қарор ва ижро*

**АҲОЛИ УЧУН ЯНГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР**

Президент Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сена- тимнинг илк қўшма мажлисидаги «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш- дир» маърузасида уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этишни устувор вазифалар сифатида қайд этган эди.

ташкил этилди. Натижа чакки эмас, аҳоли- нинг умумий мулкни сақлаш ва эксплуа- тация харажатларидан қарзи кескин камай- ди.

Ишлаб чиқариш ва коммунал хизмат- лар кўрсатиш жараёнида замонавий энер- гия тежайдиган технологияларни тadbiq қилиш ва назорат ўрнатиш мақсадида ширкат бошқаруви мулкдорлар билан келишган ҳолда подъезд ва ертўлалардаги чироқлар, шунингдек, лифтар учун сарф бўладиган электр энергиясини ҳисобга оладиган ўлچагичлар ўрнатишга қарор қилди.

— Илгарилари ширкатимиз умумий фойдаланиш жойларига сарф бўладиган электр энергияси учун бир ойда 185 минг сўм тўлаган бўлса, эндиликда ўрнатилган ҳисоблагичлар кўрсаткичига мувофиқ ўртача 62 минг сўм атрофида маблаг сар- флаяпти, — дейди «Хумо юлдузи» УМШ бошқаруви раиси Р.Файзиев. — Натижада ҳар ой ширкат аъзоларининг 123 минг сўм маблага тежалмоқда.

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*Дир Кўни*  
Янгиликлар, воқеалар

**Кўсқа**  
*Сатирга*

● **ТОШКЕНТ** Давлат юри- дик институтида талабалар, ўқитувчилар, ҳуқуқшунос- лар иштирокида «Замона- вий конституцион ҳуқуқнинг Ўзбекистондаги ва Япониядаги аҳолий мавзуда ўтказилган давр- суҳбати кунчиқар мамла- катнинг Нагоя университети таҳкурлигида ташкил этилди.

● **ШАҲРИМИЗДА** фао- лият юритаётган «Туркув- оз гиллер» маркетига хари- дорларга қулайлик яратиш мақсадида банкоматлар ўрнатилди. Эндиликда бу савдо шохбочасида плас- тик карточкалар хизмати- дан фойдаланиш мумкин.

● **РЕСПУБЛИКА** дизайн коллежида ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган тадбир яқинла- шиб келаётган Ватан ҳимо- чилари кўнига бағишлан- ди.

● **ЧИЛОНЗОР** туманида- ги «1-Чарх Камолот» ма- ҳалласида БУГУН «Кам- олот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Ёшлар табриги» лойиҳаси доирасида уюштирилган тадбирда маҳалладаги ёлғиз қариялар ҳолида- хабар олинди.

● **КЕЧА** Юнусобод туманидаги «Қашқар», «Мато- нат», «Минор», Мирзо Улуғ- бек ва «Турон» маҳалла- ларида яшовчи кам таъмин- ланган оилалар фарзанд- ларига, ёлғиз қарияларга, меҳрга муҳтож ногирон- ларга «Камолот» ЕИХ туман Кенгашининг Янги йил э- вгалари тўхфа этилди.

● **КЕЧА** Яққасарой туманидаги «Жулиана» ёшлар клубида «Камолот» ЕИХ туман Кенгаши бўлими та- шаббуси билан «Янги йил қарнавали» тадбири ўтка- зилди.

● **КЕЧА** Шайхонтохур ту- манидаги «Сузуқ ота», «Занги ота», «Новза», Олим Ҳўжаев, «Чўпон ота» маҳал- лаларида «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан тайёрланган «Камолот»дан тўхфа» лойи- ҳаси доирасида имкония- ти чекланган болажонлар- га «Камолот» ЕИХ Шайхон- тохур бўлими совгалари тўхфа этилди.

● **РЕСПУБЛИКА** ўқув- чилар саройида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда рес- публикамизнинг барча ви- лоятларидан келган ёш хунармандлар танлови бўлиб ўтди.

● **АЛИШЕР** Навоий но- мидаги Санъат саройида Иброҳим Расулов режиссе- рлигида ўзбек киноси ус- талари томонидан суратга олинган «Бегона баҳор» бадий фильмнинг тақди- моти бўлиб ўтди.

● **КЕЧА** Яққасарой туманидаги «Роҳат» маҳалласи- да истиқомат қилувчи ёрдамга муҳтож ва имкони- яти чекланган болаларга «Камолот» ЕИХ туман Кен- гаши томонидан байрам со- вгалари топширилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирлари- миз хабарларидан.

*Тадбиркорлик*

**ЧЕТ ЭЛНИКИДАН ҚОЛИШМАЙДИ**

Ўртимиз иқтисодийте раванкида муносиб ўринга эга бўлган, эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшаётган, фақат ўзи- нигина эмас, халқини ҳам бой қилишга астойдил бел боғлаган тадбиркорларимизнинг сафи тобора кенгайиб бори- моқда. Собир Раҳимов туманида фаолият юритаётган «KLAND» хусусий фирмаси ҳам ўзининг сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлари билан ички бозоримизда муносиб ўрин эгаллаган.

Жамоа ахли бутунги кунда харидорғир, бозорбоп товарлар — эркак, аёл ҳамда бола- жонларимиз учун бежирим, сифатли, замонавий, кўркам, ҳамда нисбатан арзон кўртка, пиджақлар тикиб сотувга чиқаришмоқда.

2000 йилда хусусий тадбиркор сифатида иш бошлаган Абдукарим Абдураҳмонов иш кўзини яхши биланлиги боис ҳам маҳал- лий ҳам ашё — теридан эркаклар учун кўртка тикишни йўлга қўйди, унга ўз ака-укалари яқиндан кўмак беришди. Бир йил аввал «KLAND» хусусий фирмасини ташкил қилган, унга бош бўлган

изланувчан, янгиликка ўч тадбир- кор 10 нафар ишчи-хизматчилар- ни иш билан таъминлади.

— Мен беш-олти йиллардан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди Абдукарим Абдураҳмонов. — Мамну- ният билан айтишим мумкинки, Президентимизнинг тадбир- корларнинг иқтисодийте миз ривожига асосий кўнга айлиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий ҳимоямизни таъминлаш мақсадида эълон қилинган қатор Фармон ва Қарорлари шу йил муҳим аҳамиятга молик меъёрий ҳуж- жатлардир. Ўртбошимизнинг 5

октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартриш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ҳам бизни янада қувонтирди. Айниқса, ундаги микрофирмалар, кичик корхо- налар ва фермер хўжалиқлари- нинг молия-хўжалик фаолияти- ни хар тўрт йилда қўпи билан бир марта, бошқа тадбир- корлик субъектларини эса хар уч йилда қўпи билан бир марта режа асосида текшириш ўтка- зилиши ҳамда янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжалиқларининг молия-хўжа- лик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтка- зилмайди деган бандларига кўра тадбиркорларни қийнаётган муаммолар, камчиликлар ижобий ечимини топаётганини ўзимизга ишончи ортиради, янада унумли фаолият юри- тилишимизга пухта замин яратади.

Ҳозирги кўнга келиб «KLAND» жамоаси кўп жараён- ли тери ошлашдан бошлаб, то маҳсулот тайёр бўлгунча бўлган барча ишларда асосий эъти- борни сифатга қаратмоқда. Чунки бу замон талаби, мижозлар- нинг эhtiжи чуқур ўрганилиши тўғрисида. Хусусий фир- ма ишчи-хизматчиларига унумли меҳнат қилишлари учун етарлича шарт-шароитлар яра- тилган. Эркаклар учун 30 хил- дан ортиқ, аёлларга мўлжал- ланган 15 турдаги ҳамда бола- жонлар учун бир-биридан чиройли, бежирим, қулай кўртка- лар, пиджақ, бошқа матолар билан уйғунликда замонавий

дизайнда тикилган мавсумий кийимлар, кўриниши ва сифати билан ажралиб туради. Ху- сусий фирма цехларидаги иш- мизда тайёрланган дастгоҳ ва ускуналар, Россия давлатидан келтирилган саноят тикув ма- шиналари жамоа ахлига ҳақиқий мададор бўлмоқда.

Моҳир тери ошловчи, тажрибали бичиқчи, замонавий дизайни, қўли гул тикувчилар- нинг ҳамкорлигида ижодий изланишлари боис йилдан- йилга янги-янги маҳсулот тур- лари яратилмоқдаки, бунинг учун корхона тадбиркорлари нозиктаб харидорнинг талаб ва эhtiжини асосий савдо шохбўчаларида яқиндан ўрга- нишни йўлга қўйишган.

Бу ҳам ишда ижобий самарасини бераётганини алоҳида эътироф этиш ўринли. Ўз на- батиде корхонанинг тадбиркор раҳбари келгусида жамоаси кўмагида теридан «Ўзбекис- тонда тайёрланган» ёрлиги билан тикилган сифатли маҳ- сулотларни чет элга экспорт қилишни ҳам режаллаган. Бу ишларни амалга ошириш учун хорихдан унумли дастгоҳлар келтириб, цехларни жиҳозлаш кўзда тутилмоқда.

«Интиланганга толе ёр» деб халқимиз бежиз айтмайди. Эзгу мақсадлар сари интилиб, саъй- ҳаракатларни амалга ошираёт- ган ишбилармон «KLAND» чи- ма бунинг ҳис қилган ҳолда меҳ- нат қилишмоқда.

Мухаббат  
ХАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТЛАРДА: «KLAND»  
хусусий фирмаси жамоаси-  
нинг иш фаолиятинан  
лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов  
олган суратлар.



*Қадрли ҳамшаҳарлар!  
Мустақил юртимизнинг  
азиз ўғлонлари!*

Мудофаага  
кўмаклашувчи

**«ВАТАНПАРВАР»**

ташкilotининг Тошкент шаҳар  
Кенгаши жамоаси

*Сизни кириб келаётган*

*Янги — 2006 йил*

*Ҳомийлар ва шифокорлар  
йили билан самимий  
муборакбод этади!*



*Янги йил ҳар биримизнинг  
оиламизга бахтли-саодатли  
кунларни бахшида этсин.*

*Юртимиз тинч,  
хонадонларимиз осойишта  
бўлсин.*

*Ҳаммамизнинг дилимиздаги  
энг эзгу орзулар рўёбга  
чиқишига тилакдошимиз.*



**"ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС"****АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ***ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз  
меҳмонларини***Янги — 2006 йил билан***дилдаги энг қутлуғ ва эзгу  
тилакларни билдирган  
ҳолда қутлайди.**Ҳамиша соғ-саломат бўлинг,  
ишларингиз ўнгидан келсин, ўйлаган  
барча ниятларингиз 2006 йилда  
ўз ижобатини топсин.**Йўлингиз равон,  
дилларингиз чарогон,  
турмушингиз фаровон бўлсин.***ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПАЛ БИРЖА МАРКАЗИ***Ўзбекистон халқини,**тадбиркорларни Ҳомийлар ва шифокорлар йили бўлмиш***Я Н Г И — 2 0 0 6 Й И Л***билан самимий қутлайди.**Янги йил мамлакатимизга тўкин-сочинлик,**қут-барак ва тинчлик олиб келсин.**Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази фўрсатдан**фойдаланиб, юртимизнинг барча тадбиркорлари  
ва ишбилармонларини биржа савдоларига таклиф қилади.**Савдоларга кўчмас мулклар  
ва бошқа мол-мулклар қўйилади.***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16 А-уй.****Тел: 133-46-61, 132-25-51. Факс: 133-20-74.****[www.tshmbm.uz](http://www.tshmbm.uz); E-mail: [Birja@mail.tps.uz](mailto:Birja@mail.tps.uz) Va [info@tshmbm.uz](mailto:info@tshmbm.uz)**

**Азиз ашамшасарлар  
Ва пойтаэстимиз мезэмонлари!**

**Барчангизни  
кириб келаётган**


**Янги — 2006**

**шоднёнаси билан самимий  
муборакбод этамиз!**

**Қутлуэ йилда дилинғиздаги  
барча эзгу ниятларинғиз  
амалга ошсин, эсонадонинғизда  
тинчлик-осойишталик,  
сизэат-саломатлик,  
баэст-саодат эукмрон бўлсин!**

**«ONIKS»**

**акциядорлик жамияти жамоаси.**



«Сағбон-нон» акциядорлик жамияти жамоаси қадрли юртдошларимизни кириб келаётган

**2006 йил**

билан чин дилдан табриклайди.

Аминмизки, ўтаётган йил сизга муваффақиятлар олиб келди, ниятларинғиз амалга ошди. Янги йилда эса эришилган муваффақиятлар улкан зафарларга боғлансин. Яхши ниятлар билан бошланаётган қутлуғ йилимизда барча оилаларга тинчлик-хотиржамлик, тукин дастурхон, меҳр-окибат хамроҳлигини тилаймиз.

**«Сағбон-нон» акциядорлик жамияти**

**Тўра ЖУМАН,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмасининг аъзоси, шоир:**

— Бошқа тахририятлари камситмаган ҳолда айтаман, мен «Оқшом»дан миннатдорман. Мана бир неча ўн йиллардики, унинг ҳам ашаддий мухлисман, ҳам фаол ижодкориман.

Муस्ताқиллик биз ижодкорларга кенг йўл очиб берди. Йилларимиз номи бири-бирдан гўзаллашиб, бир-бирига узвий боғланиб бормоқда. Шундай кезларда биз ижодкор шоирлар қўл қовштириб ўтиролмаймиз, илҳомимиз жўшиб кетади. Йилларга бағишланган мисралар ўз-ўзидан қуйилиб келаверади. Баҳрли кудрат, истеъдодимизга яраша уни қозога туширгимиз келаверади. Хусусан, мен ўзим гарчи саксон ёшга кираман, мен ўзим гарчи саксон ёшга кираман, мен ўзим гарчи саксон ёшга кираман, мен ўзим гарчи саксон ёшга кираман. Бу боис қўлимдан келганча катта-кичик ғазалларим қатори, йилларга бағишланган қасидалар, достонлар ёзишга ҳаракат қиламан. Бир неча тунларни бедор ўтказиб, шеърини мисраларни қозога тушираман, ўчирман, ёзаман. Ахир бекорга ҳам ижодкорнинг ишини игна билан кудук қазашга ўхшатишмайди-да. Айниқса шоир учун ҳар бир мисраинг қозога тушиши машаққат. Гоҳида биргина жумла, биргина сўз устида узоқ ўйланиб қоласан. Унинг қўёсини топганча баъзан нафақат соатлаб, балки кун ва тунлар бўйи ўйланасан. Ниҳоят сенинг наздинда маромига етган сатрлар ўзгаларга қандай таъсир қилишини ўйлаб ёзганларингни ён-атрофдагиларга ўқитасан, шоир дўстларингнинг фикрига қулоқ тутасан. Кейин уни қўлтиқлаб тахририятга келасан. Бу ердагилар ҳам ёзганларингни осонликча қабул қилишмайди, ўз фикр ва мулоҳазаларини билдиришади.

Қашқадарё билан Тошкент оралиги икки қадам эмас, лекин на илож, ҳаққоний фикрлардан қочиб бўлмайди. Зеро, ҳақиқий ижодкор учун унинг ёзгани бирор матбуот органида ҳом-хатала босилиши эмас, балки у маромига етиб ўқувчига манзур бўладиган даражага борганда эълон қилиниши қувончли. Мана шундагина ижод маҳсулининг роҳатини кўрасан. Акс ҳолда мухлисларнинг таъна-маломатларига қоласан. Энди бундан оғир йўқ.

Йилларга бағишланган бир неча достонларим «Тошкент оқшоми»да мана шундай ижобий торттишулар билан босилди. Энг муҳими улар ўқувчиларга манзур бўлди. Шунинг учун ҳам мен ўзим билан ҳамфикр бўлган «Оқшом» ижодкорларидан миннатдорман.

Шу газетда иқтидорли ёзувчилар, журналистлар билан жуда кўп мулоқотда бўлдим. Дастлаб давримизнинг зарбаст ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, шоир Носир Муҳаммад, кейинчалик Муҳаммад Юсуф, Сирожиддин Саййид билан юзма-юз бўлдим. Улар менинг кўпгина ғазалларимнинг «Оқшом» саҳифаларида босилишига сабабчи бўлишди.

Темур Убайдуллоҳнинг «Оқшом»да ишлаган вақтини унутмайман. Бу тиниб-тинчаси шоир ғазалларимга бир зум кўз қурштириш билан сарасини саракча, пучагини пучакка чиқариб ташларди.

— Отам, — дерди у, — мана бу тўртта ғазалингизни олиб қоламан. Қолганлари ўзингизга сийлов.

Шунча битиларим орасидан тўрттаси маълум бўлганига ҳам хурсанд бўлардим. Кейинчалик кўпроқ Маҳмуд Комилжон билан ҳамфикр бўлдим. Гарчи у шоирликка даъвогар бўлмас ҳам шеърини яхши тушунарди. Ўз фикрларини мисоллар билан тушунтириб беради. Баъзан бирон бир келишмиш жумлаларни шундоқ маромига етказиб туза-

тардики, шундай кезларда «Шеърини яхши биласиз, нега шеър ёзмайсиз» деса м у: «Одам бир томонлама бўлиши керак. Ё шеърини, ё ёзувчиликнинг, ё журналистликнинг этагидан тутиши керак. Ҳамма нарсага барабар қўл узатаверсанг оро йўлда қолиб кетасан. Ўқувчилар кимни шоир, кимни ёзувчи, кимни журналист мақомида тан олгани яхши-да» дерди.

«Оқшом»да мен жуда кўп бош муҳаррирлар билан юзма-юз бўлдим. Лекин очигини айтишим керак, улар орасида Акмал Ақромовдек биз ижодкорларга кенг имконият яратиб берган инсонни кўрмадим. Ҳақиқат унинг эшиги очик. Олдига тортинмай кираверсан. Сени худди минг

қўйи, бизда иш оғир. Кези келганда бир киши икки кишининг ишини бажаришга тўғри келади. Шунга чидасанг ишлайсан, бўлмаса йўқ, — деб қолди.

Мен дарҳол розилигимни билдирдим. Ҳар қандай топшириқни сидқидилдан бажаришга тайёр эканлигимни айтдим.

Али Назар ака бош муҳаррир хузурига кириб кетди. Юрак ҳовуқлаб натижани кутаман. Ҳа деганда у чиқармади. Ишонсангиз ўшанда дақиқалар соатларга тенг бўлганди мен учун. Бир вақт Али Назар ака ичкаридан шошилиб чиқди-да менга:

— Тез бўл, бош муҳаррир кутяпти бизни, — деди.

Шошқич қабулхона томон йўл олдим.

— Бизда ишламоқчимизми? — сўради Саъдулла ака менга бошдан-оёқ разм солиб.

«Тошкент оқшоми»да ишлаш бирдан-бир орзуим эканлигини айтдим.

— Орзу билан иш битмайди ука. Орзуга етишмоқ учун инсон аввал ўзини кўрсата билиши керак. Сизга бир ҳафта муддат. Синовин Али Назар аканинг сиз билан бирга ўтказасиз. Бизнинг кўригимиздан ўта олсангиз хўп, бўлмаса сиз билан хайрлашаверамиз. Бу мардумайдон. Ким беллашувда

голиб чиқса ўша майдонда қолади. Тушунарлими? Боринг, бугундан ишга киришинг.

Шу тахлит бош муҳаррир хузуридан чиқдик. Эртасидан ишга киришиб кетдим. Тақдирим ҳал бўладиган кунни интиқлик билан кутаман. Али Назар аканинг озини пойлайман. У ҳам олиб келган материалларимни жиддий ўқийди-да, баъзан биргина «Яхши» деган сўзни айтади, баъзида бу сўз ҳам анқонинг уруғи.

Ҳафта охирида бирдан ички телефон жиринглаб қолди. Али Назар ака гўшакни кўтарди-ю, зум ўтмай жойига қўйди. Кейин менга юзланди.

— Юринг, бош муҳарриримиз чақирпти.

Икковлашиб Саъдулла аканинг хузурига кирдик.

— Қалай, бу киши бизда ишлашга ярайдими? — сўради у олдидаги саҳифадан бош кўтармай.

— Яхши, ишласа бўлади, — деди Али Назар ака.

— Бўпти. Ариза ёзинг. Бугундан ишга қабул қилингиз.

Инсон бир яхши, бир ёмон кунни унутмайди. Охирати обод бўлгур Саъдулла аканинг ўша сўзи ҳамон ёдимда. «Оқшом»да ишлаган йилларим тушдек ўтиб кетди. Лекин тахририятда орттирган дўстларим, устозларим, улар билан бўлган қизил сўхбат ва мунозараларни эсласам орзиқиб кетаман. Устозим Али Назар Эгамназаров, ахборот қироли Абдулла Пўлатов ўғитларидан бахраманд бўлдим. Ўткир Ҳошимов, Тўлқин Расулов, Носир Муҳаммадларнинг ширин сўхбатларини тингладим. Дўстларим Тўхтамурадов Тошев, Эркин Жўраевлар билан ака-укалардек бўлиб кетдик.

Албатта севимли газетам «Оқшом»ни тарқ этиш мен учун осон эмасди. Лекин турмуш тақозоси шунга мажбур қилди. Ўз туғилиб ўсган юртим, Андижонга қайтиш, шу ерда журналистлик фаолиятимни давом эттиришга тўғри келди.

Ҳозирда ҳам «Оқшом» мен учун қадрли газета. Олдинига унга йил сайини обуна бўлиб, Тошкентда орттирган кадрларимнинг чиқишларидан бахраманд бўлиб турдим. Кейин йиллар ўтиб қандайдир сабаб билан «Оқшом»га обуна ни чеклаб қўйишди. Хайрият, келгуси йилдан бошлаб вилоятларда «Оқшом»га обуна бўлишга имкон яратилди-ю, шу боис барча юртдошларимиз қатори андижонликлар ҳам Янги йилдан бошлаб яна «Оқшом»ни ўқишадиган бўлишди.

**Шарқ дурдоналари**



● Ота-онага нисбатан ҳурмат ва муҳаббат, ҳеч шубҳасиз, муқаддас туйғудир.

● Ота ва она! Бу муқаддас номлар олдида барча маҳдиялар ҳеч нарса эмас, барча баландарвоз мактовлар ўғиллик муҳаббати ва миннатдорчилиги олдида пуч ва арзимасдир.

● Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.

● Сиз ота-онангиз билан қандай муомалада бўлсангиз, болаларингиз ҳам сиз билан шундай муомала қилишини ёдда тутинг.

«Ат-тарбия» китобида шундай дейилади: «Эй зукчо болам! Агар ота-онанг сени тарбия қилиб вожага етказишда чеккан машаққатларини ўйласанг, уларнинг улуг фазилатларини билиб олсан. Онанг сенга хомила бўлиб, туғиб, сийнасида суг бериб, гамхурлик қилди. Отанг эса сизлардан меҳрини дариг тутмади. Ота ҳам, она ҳам сен азоблансанг азобланди, азият чексанг азият чекди. Хуллас сенга келган барча нарсаларга қалқон бўлди. Хатто емай, ичмай бўлса ҳам сенга мол тўпладди, ўқитсам, илмий қилсам дейди. Мана шуларнинг барчаси учун сен уларни яхши кўришинг, ҳурмат қилишинг уларга итоат этишинг, доимо уларга юмшоқ муомалада бўлишинг, овозини кўтармай гапиршинг лозим. Ояти қаримада:

«Ота-онангга уф дема, уларнинг сўзини қайтарма, уларга гўзал сўзла дейиладди. Хадисда эса: «Жаннат оналарнинг оёғи остидадир», «Ота-оналарингизга яхшиликлар қилинг, болаларингиздан қайтади», дейилади. Ота-онанинг розилиги умрни зиёда қилур. Ким ота-онага қулоқ солмаса, боласи ҳам унга қулоқсиз бўлади. Сен ҳам, молинг ҳам отангнинг ҳисобланади — шуни ҳисобга олиб кўй.

Байт:

**Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисмини қил сатка оно бошига.**

● Дононинг тили қалбида, тентакнинг қалби эса тилида.

● Сўз ҳам мисоли япроққа ўхшайди: даракнинг барги кўп бўлса меваси оз.

● Ўткир тил — қобилият, узун тил — жазо.

● Ақлли одамларни мазаш қилиш телбаларга хос.

● Аҳмоқларнинг устунлиги — ақлли одамлар устидан қулиш.

Хикоят:

Кўр киши қоронғу кечада кўлида чироқ, елкасида кўвача билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб деди:

— Эй нодон, сен учун кеча-кундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғулик баб-бараварку, чироқнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши қулиб айтди:

— Бу чироқ ўзим учун эмас, сенга ўхшанган кўнгли кўзи кўр беҳабарлар учундир, токи менга урилиб, кўвачамни синдириб қўймайсан.



**Азиз ҳамшаҳарлар !**  
**ЎЗБЕК МИЛЛИЙ АКАДЕМИК**  
**ДРАМА ТЕАТРИ ЖАМОАСИ**

*Сизларни кириб келаятган*


**ЯНГИ - 2006**

**ЙИЛ БИЛАН**  
*чин дилдан*  
**муборакбод этади!**

*Барчамизнинг қалбларимизни олам-олам қувончу шодликка, пок ва эзгу ниятларга тўлдириб келаятган ушбу йил ҳаммамизга соғлиқ-омонлик, бахт ва омад келтирсин.*

*Осмонимиз мусаффо, юртимиз тинч бўлсин!*

*Янги йилда санъатимиз янада равнақ топсин!*



**ТОШКЕНТ ТЕМИР-ЙЎЛ**  
**МУҲАНДИСЛАРИ**  
**ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ**

*Барча юрtdошларимизни қутлуғ қадамлар билан кириб келаятган янги 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили билан қизғин қутлайди.*

*Янги йил оилангизга соғлиқ-омонлик, бахт-саодат, файзу баърака ва омад келтирсин.*

Институтни тугатган мутахассислар нафакат темир йўл соҳасида, балки халқ хўжалигининг турли жабхаларида фаолият кўрсатишади.

Манзил: Тошкент, Одилхўжаев кўчаси, 1. Т. 191-14-40.



**Спорт**

**ЮКСАЛИШ САРИ ЙЎЛ**

Мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган муҳим эътибор ўзининг тотли меваларини бермоқда. Айниқса, кейинги йилларда Қашқадарё вилояти футболда сезиларли даражада юксалиш кўзга ташланмоқда.

Бундан олти йил муқаддам вилоятда футбол академиясининг ташкил этилиши бундай ривожланишга муҳим замин яратди. Шунинг таъкидлаш жоизки, 2005 йил якунларига кўра эркаклар ва аёллар футбол бўйича умумий олганда, ушбу вилоятда футбол республика миқёсида энг юқори даражада, дея эътироф этилди. Айниқса, бу борада олий лига жамоалари ўртасида XIV миллий чемпионат якунларига кўра Муборакнинг «Машъал» жамоасининг ўз тарихида илк бор фахрли иккинчи ўринга кўтарилиши, «Насаф» (Қарши) командаси эса учинчи ўринни эгаллаши, «Машъал» мураббийси Виктор Жалиловнинг йилнинг «Энг яхши мураббийи» бўлгани, «Севин» аёллар футбол жамоасининг мамлакат чемпионатида иккинчи бўлиши ва Кубокни кўлга киритиши, ушбу жамоанинг ўн нафар ўйинчиси терма жамоа сафларига жалб этилиши ва ниҳоят 1990 йилда тузилган ўсмирлар ўртасида «Машъал» командасининг республика чемпиони бўлиши муҳим ўрин тутди.

Кеча шахримиздаги «Дедеман сикл роад» меҳмонхонасида бўлиб ўтган Муборакнинг «Машъал» жамоасини табриклаш маросимида Қашқадарё футбол тўғрисида ана шундай илиқ фикрлар билдирилди. Албатта, жамоанинг бу йилги муваффақиятларида Ўзбекистон терма жамоасининг сардори Миржалол Қосимовнинг «Машъал» таркибида тўп сурганлиги муҳим омил бўлди.

Тадбир давомида жамоани эришган муваффақиятлари билан Ўзбекистон футбол федерациясининг биринчи вице-президенти Бахтиёр Раҳимов, «Ўзбекнефтегаз» холдинг компанияси раҳбари ўринбосари Раҳимиддин Закиряев ва бошқалар кутлашди. Барча футболчилар, мураббийларга қумуш нишонлар топширилди.

Албатта, бундай тадбирлар куй-қўшиқларсиз ўтмайди. Эл суйган санъаткорлар К.Қаюмов, Р.Холиқов, Р.Шарипов, Л.Москалева, Б.Раҳимов ижросидаги дилтортар қўшиқлар йиғилганлар кўнглини хушнуд этди.

(Ўз мухбиримиз)

Тошкент шаҳар ҳокимияти жамоаси «Шаҳарйўлқурилиштаъмир» акциядорлик жамияти бош директори ўринбосари Абулқосим Маҳмудовнинг онаси **Мамлакат ая РАҲМАТУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

**Сўқибол**

**МАМЛАКАТ ЧЕМПИОНИ ҚУТЛАНДИ**

Бу йилги мавсум мамлакатимизнинг етакчи жамоаси — «Пахтакор» учун жуда омадли келди. Мамлакат чемпионатининг биринчи даврасида рақиблар ҳам кучли ўйин кўрсатиб, пешқадамни бир оз ортда қолдирган пайтлар ҳам кузатилган бўлса-да, бироқ иккинчи даврани «Пахтакор» олтинчи бор мамлакат чемпиони сифатида шараф билан якунланди. Футбол тили билан айтганда, сезимли жамоамизнинг биллур соврин — Кубокни кўлга киритиши «дубл», жамоа ўринбосарларининг ҳам чемпион бўлишларини эса «хет-трик» сифатида таърифлашимиз мумкин.

Албатта, жамоанинг етакчи ҳужумчиларидан бири Анвар Солиевнинг рақиблар дарвозасини 29 бор аниқ нишонга олгани ҳолда энг сермахсул тўпурар бўлгани ҳам команда муваффақиятлари сирасига киради.

Анъанага кўра, Ўзбек миллий академик драма театрида мамлакат чемпиони ва биллур соврин соҳиби «Пахтакор» жамоасини қутлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирга футбол миз мутасаддилари, мутахассислар, фахрийлар, ишқибозлар ташриф бууришди.

Тадбир «Пахтакор»ни чемпионлик ва Кубокдаги галабага етаклаган ҳаяжонли лаҳзалар ўз аксини топган фильм намойиши билан бошланди.

Дастлаб собиқ пахтакорчилар — Илҳом Шарипов ҳамда Сергей Ковшлов мураббийлиги остида голиб-

ликни кўлга киритган ўринбосарлар таркиби қутланди. Сўнг мавсум қахрамонлари — И.Нестеров, Г.Гочкулиев, А.Алиқуллов, А.Николаев, И.Суюнов, А.Клецов, С.Жепаров, Т.Копадзе, В.Кирьян, В.Пономарев, Р.Байрамов, З.Магдиев, С.Абдуллаев, А.Солиев, П.Соломин, жамоа раҳбариятига олтин нишонлар, қимматбаҳо совғалар, шаҳар ҳокимлигининг Фахрий ёрликлари топширилди.

Шу кунги чемпион шарафига самимий дил сўзлари айтилди, хомийларнинг мукофотлари ўз эгаларини топди. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев 6 карра чемпион, 7 бор мамлакат Кубогининг соҳиби бўлган «Пахтакор» жамоасини кутлар экан, келгуси мавсумда халқаро мусобақаларда ҳам албатта муваффақият қозонишига ишонч билдирди.



Таниқли санъаткор Оролмирза Сафаров ижросидаги А.Имомхўжаев, Н.Озеров, К.Маҳарадзе, В.Маслаченко каби футбол шарҳловчиларига пародиялар, эл суйган санъат усталари Фуломжон Ёқубов, Райхона Ғаниева, Даврон Эргашев, «Жасмин» ансамбли ижросидаги шўх кўшиқлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

Шунингдек, кеча сўнггида йил давомида «пахтакор»чиларни кўллаб-қувватлаб турган энг фидойи мухлис-ларга жамоа томонидан эсдалик совғалари топширилди, томошабинлар билан кизиқарли ютуқли ўйинлар ўтказилди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ СУРАТДА:** «Пахтакор»ни қутлаш маросимидан лавҳа.

Ҳақимжон Солихов олган сурат.

**ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ ТАНЛОВ КОМИССИЯСИ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИНING ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ**

**2005 йил 29 ноябрда ва 27 декабрда Тошкент шаҳрида ўтказилган танлов савдолари натижасига кўра, қуйидаги паст ликвидли объектлар инвестиция мажбуриятлари эвазига инвесторларга бепул берилганлигини маълум қилади.**

**Танлов савдолари натижаси**

№	Танлов савдоси санаси	Объект номи	Манзили	Инвесторнинг тақлифлари		
				Фаолият тури бўйича (сақлаб қолинг ёки сақламангиз)	Инвестиция мажбуриятлари ҳажми, (млн.сўм)	Инвестиция мажбуриятларининг бажарилиш муддати (йил)
1	2	3	4	5	6	7
1	2005 йил 29 ноябр	«Саноатқурилиш-ишустрия» ОАЖ балансидаги қурилиш тугатилмаган «Монолит уй-жой қурилиш базаси»	Сергели тумани, Жанубий саноат қудули (КПД-5 бинда)	Фаолият турини сақламаган ҳолда	550,338	1
2	2005 йил 27 декабр	9 қаватли (А ва Б блоклардан иборат), умумий майdonи 5835,0 кв.метрга тенг бўлган 7-сон ётоқхона биноси	Мирзо Улugh тумани, «ТТЗ» дахаси, 2-маъзе, Белоджожо кўчаси, 12-уй	Фаолият турини сақламаган ҳолда	795,0	1

**Маълумот учун телефонлар:**  
**133-39-57; 133-22-98.**

**ШУФИЛАН**  
**КУНИНИЗИ**  
**МУБОРАК!**  
Хурмати ва азиз тоғажонимиз  
**Бозорбой Султонов**  
Сизни муборак 57 ёшга тўлганингиз билан барча қариндошларингиз, дўстларингиз ва яқинларингиз табриклашадимиз. Қириб келаётган Янги йил ҳаётингизга хотиржамлик, бахт, тўқилиш келтиришини тилаймиз.

Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, катталар таълим маркази томонидан 1996 йилда Асатова Азиза Раимжоновна номига берилган А-093303 рақамли етуқлик аттестати йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР КИЛИНАДИ**

**ТОШКЕНТ ОҚШОМИ**

газеталари тахририяти  
реклама агентларини  
ишга қабул қилади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95

**ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ**



**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Магбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**

хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65,  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усунди босилди.  
2496 нускада босилди. Қонго биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Магбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Навр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-маъбо ақидорлик компанияси босмохонаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.